



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 17 июнь, шанба

№46 (11.231)

Эркин нархда сотилади

Ғалла — 2000

АНИҚ ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛДИ

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, комиссия раисининг ўринбосари А.Йўлчиев бошқарган мажлисда иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича вилоят бошқармаси бошлиғи, вилоят комиссияси масъул котиби А. Зокировнинг кун тартибидagi масалалар бўйича ахбороти тингланди. Йиғилишда Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган, санация қилинган қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш режасининг бажарилиши, ерларни оилавий пудратчиларга шартнома асосида бўлиб берилиши ҳамда бог ва узумзорларни шунингдек, тақоррий экин экиш учун ажратилган ерларни ижарага бериш ахволи, тузилган ички ва ташқи шартномаларнинг бажарилиши, буғдой йиғим-теримида тағйирлар, суғурта ташкилотлари билан шартномаларнинг тузилиши, қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги кўча мажлисларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоятда бажарилган ишлар кўлами ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди. Вилоят санацияга тушган хўжаликларда (1999 йилда 5та ва 2000 йилда 7та) ҳозирги кунда иқтисодий ислохотларни чу-

қурлаштириш ва санация режасининг бажарилиши бўйича бир мунча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишда баъзи камчилик ва муаммолар борлиги ҳам кўриниб турибди. Жумладан, баъзи санацияга тушган хўжаликларда экин майдонларининг тўлиқ пудратчиларга шартномалар асосида бўлиб берилмаганлиги, Қуйичирчиқ туманидаги «Пахтачи», Оҳангарон туманидаги «Бирлик», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида чек тизимини жорий этишга етарлича эътибор берилмаётгани, айрим санация хўжаликларида ер майдонлари мустақил фермер хўжалиқларига бериб юборилиши сабабли балансидаги ер майдонларининг мавжуд кредиторлик қарзларини қоплаш манбаалари йўқотилаётгани, хўжаликларда ижарага берилган бог ва узумзорларнинг ижара ҳақлари тўлиқ ундириб олинмаётгани йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мажлис аъзолари кўра, вилоят туманлари ҳокимликларига, ташкилотлар, бошқармалар, муассасалар, хўжаликлар ва тегишли ҳудудий комиссияларга кўриб чиқилган масалалар бўйича аниқ топшириқлар берилиб, бу ҳақда вилоят комиссиясига тегишли ахборот бериш вазифаси юклатилди.

ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Янгиёул шаҳрида иккинчи қаҳирқўй ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси материалларини ўрганиш мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази томонидан уюштирилган мазкур тадбирда ҳуқуқшунос ва тарихчи олимлар долзарб мавзуларда маърузалар ўқи, йиғилиш иштирокчилари томонидан берилган барча саволларга назарий ва амалий мисолларга бой жавоблар берилди.

Тадбир ташкилотчилари бу хил анжуманларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказишни режалаштиришган.

ЎЗИГА ХОС ЙЎЛНИ ТАЛАБ. ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРДА ЙИЛМА-ЙИЛ ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАБ БОРАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗДА БУГУНГИ КУНДА БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН ЮКСАК МАҚСАДЛАРДАН БИРИ — ФАРАЗАНДАРИМИЗИНИ БИЗДАН КЎРА КЎЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА, БАҲЛИ БУЛИШЛАРИ ШАРТЛИГИДИР. Ана шуни кўзлаб ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра республикаимиз таълим-тарбия тизимида анчагина ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Айниқса, бу борада ўз дунёқараши, салоҳияти жиҳатдан жаҳондаги энг илғор давлатлар мутахассислари даражасида фикрлай оладиган, юқори малакали кадрларни қамол топтириш сари бошланган савий-ҳаракатлар эътиборга лойиқ бўлмоқда.

Ана шу эзгу ниятларга эришиш жараёнида таълим тизимида ўтказилган ислохотлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳар йили

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДА

олий ўқув юртиларига қабул тўғрисида ҳукуматимиз томонидан махсус қарор чиқарилиши ва ёшларнинг билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиши хусусидаги ғамхўрликлар фикримизга ёрқин далил бўла олади. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 июндаги 2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги Қарори ҳам бу жиҳатдан алоҳида эътирофга муносаб ҳужжат ҳисобланади. Унинг туб мазмунинда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, республика иқтисодиётининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда олий таълим даргоҳларига иқтидорли ва қобилияти ёшларни танлаб олишдек долзарб вазифалар ўз ифодасини топган.

Шуни мамнуният билан

таъкидлаш керакки, республикаимиз институтлари, университетлари қабул-тартиблари сони йилдан-йилга ортди, сифати яхшиланган бўлмоқда. Хусусан, 2000/2001 ўқув йилида бакалаврлар, яъни ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган, ўз соҳаси бўйича чуқур билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш умумий сони ўтган йилдагидан анча ортди ва 49 минг 500 нафар килиб белгиланди. Давлат грантлари бўйича 19 минг 800 нафар, тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари 29 минг 700 нафардан иборат белгиланиши ҳам ёшлар кенг қатламининг ўқи, етук мутахассислар бўлишлари учун катта имконият яратди.

Қарорга кўра, келгуси ўқув йилида мамлакатимиз олий таълим муассасаларида магистрлар, яъни бакалаврият асосида яна аниқ ихтисослик бўйича

муддат мобайнида ўқишни давом эттирадиган кадрлар сони 3600 нафарни ташкил этади. Улардан 1400 нафари давлат грантлари билан, 2200 ёшлар эса тўлов-контракт асосида билим оладилар. — Биз ҳукуматимиз томонидан халқимиз саломатлигини кўзлаб, республика соғлиқни сақлаш тизимига ҳар йили кўрсатилган ғам-хўрликни аниқ хис этмоқдамиз, — дейди 2-Тошкент Давлат Тиббиёт институти ректори Ҳамид Ёқубович Каримов, — мазкур ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасаларида магистратурага илк бор қабул амалга оширилиши, ундаги ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, беш талабага бир нафардан ўқитувчи тўғри келиши учун шарт-шароит яратилиши ана шу меҳрибонликнинг яна бир тимсолидир.

Маълумки, республика тиббий амалиётида ҳам

ша жаррохлик, анестезиология, акушерлик ўйналишида олий малакали ҳамшираларга катта эҳтиёж сезилиб келинмоқда. Ўтган йилдан бошлаб бу муаммони ҳал этишга киришилган эди. Ана шу йўл янада тақомиллаштирилмоқда. Шундан келиб чиқиб, келгуси ўқув йили учун тиббиёт олий таълим муассасаларида қабул квоталари 200 нафар килиб белгиланди. Улардан 100 нафари давлат ҳисобидан, қолган 100 нафари тўлов-контракт асосида билим оладилар.

Қарорда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк ва маффаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда талабаларга ўқитишнинг тўлов-контракт шакли учун таълим кредитлари бериш ва қайтариш тартибини ишлаб чиқиш

хусусидаги янгилик ҳам кўллаб ёшларга орзуларининг ушалиши борасида энгиллик туғдириши табиийдир. Умуман, олганда ҳукуматимизнинг мазкур қарори республикаимизда малакали кадрлар тайёрлаш муаммоларини ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Зеро, Ўртабонимиз қайд қилганидек, «...Биз бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида ҳамма нарсаси бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади».

Ана шу моҳияти буюк сўзларни доимо диққат марказида тутган ва унга амал қилган ҳолда, етук мутахассислар тайёрлаш — олий таълим тизими мутасаддиларининг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Сайдвали ХАСАНОВ.

ХАР БИР ИШНИНГ ЎЗ ВАҚТИ БОР. Халқимиз бу нақлни бажиз айтмаган. Ана шу мақсадни дилга жо этиб, ширқ қилиб олган меҳнаткаш деҳқон бори, кам бўлмайди. Ҳам хирмони, ҳам чўнтаги баракали бўлади.

Ўтган йилнинг қузида Тошкент туманидаги Ёғис Умаров номи жамоа хўжалиги далаларини айланиб, буғдой уруғи сочаётган ғаллакорлар ишини кузатганимизда, ана шу фикрлар ҳаёлимиздан кечганлиги хотирламга келди.

— Қайси нави экяписизлар? — деб сўраган эдим ўшанда деҳқонлардан.

— Ўзимизга маъқули, синашсинида, — деб жавоб берган эди пудратчилар. — Қайта-қайта саралаб, обдон тозалаб олганмиз.

Нихоятда сифатли тайёрланган, ўғитланган бу далаларда, албатта, мўл ҳосил етиштирилди, деб кўнглимга тугиб қўйган эдим.

Янгилимадан эканман. Қуни кеча шу хўжаликдан хушхабар олди. Саксон гектар майдонга экилган ғалла ўрнимизга биринчи-лар қаторида тушган деҳқонлар элли гектар майдонни тезкорлик билан саранжомлаб, ҳар гектаридан эллик бир центнердан хирмон кўтариб, туманда биринчилардан

марра! Бундай ютукқа қандай эришмоқдалар?

Юқорида сара уруғ тайёрлаганликларини айтган эдик. Иккинчи омил шу бўлдики, бу уруғ октябрь ойининг бошларидаёқ экиб олинди. Вақтида ундирилди. Биринчи, иккинчи ишлов бериш: озиклантириш ва суғориш ишлари маромда ўтказилди. Сўнг техника ҳар жиҳатдан шайлаб қўйилди. Шунинг учун ҳам, хўжалик энг қисқа муддатда режасини удалай олди. Иш биланга муваффақият, ютук ҳамиша ҳамроҳ бўлаверади.

Хушхабар

Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номи халқ корпорацияси ғаллакорлари режадаги 514 тонна ўрнига

Деҳқонлар уруғ ўзиндан чиққанига нима етсин, деган ғанини кўп айтадилар. Мутасаддилар, туман ҳокимлиги бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Бу йилдан бошлаб кўп хўжаликлар олдиға ўзларини ўзлари уруғ билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда тумандаги «Тошкент» ширкат хўжалигини аста-секин уруғчиликка

кирганимиз. Ўзимиз экиб, синаб қўрдик. «Улугбек»ни эккан деҳқон сира ютқазмайди. Парварини ўрнига қўйса бас. Ҳам эртанги ва сифатли, касаллика чидамли экан бу наф. Ҳозир далаларда иш қизгин. Уруғлик учун ажратилган майдонлардаги ғаллани ўриб-янчишга, айниқса, тажрибали комбайнчилар жалб этилган.

Умуман, Тошкент туманида бу йил 2250 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Уримга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик қўрилди. Маъмурият билан пудратчи-деҳқон ўртасида тузилган шартномада моддий манфаатдорликка алоҳида эътибор берилди. Режа бажарилган, қолган ҳосил деҳқоннинг тасарруфига берилади. Кўпгина хўжаликларда эса, ҳосил мўл бўлган. Гектаридан 50—60, ҳатто 70 центнердан дон олиниши мумкин бўлган майдонлар анчагина. Демак, ҳам хўжалик хирмони, ҳам деҳқоннинг омбори донга тўлади. Бунинг учун эса етиштирилган ҳосилни мавжуд техникалардан оқилона фойдаланиб, нобудгарчиликка йўл қўймасдан, тез фурсатда йиғиштириб олиш керак бўлади. Тошкентликлар ўзларининг бой тажрибаларини ишга солиб, аъналарига содиқ қолиб, бу ишнинг улдасидан чиқдилар, 5310 тоннадан хирмон, албатта, тез кунда уюлади.

Носир РИХСИЕВ.

УРУҒЛИК ДОН МЎЛ БЎЛДИ



ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги «Роватак» ширкат хўжалиги пудратчилари 270 гектар ерга ғалла, шу жумладан 90 гектар майдонга яхши ният билан уруғлик учун буғдойнинг «Енбош» намини эккан эдилар. Ҳосил қўтилганидан ҳам мўл бўлди. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда камиди 45 центнердан хирмон кўтарилади. Бу эса, фақат шу хўжаликнинг ўзида камиди 400 тонна уруғлик дон етиштирилади, деган гап. Демак, бу йил «Роватак» ғаллакорлари туман эҳтиёжлари учун камиди 2000 гектарга етадиган сифатли уруғлик етказиб бериш имкониятига эгалар.

Айниқса, Исроил Ёқубов, Раҳим Абдиев, Рашид Тўхтаев, Исмаил Бозорбоев бошлик оилавий пудратчилар даласида ҳосил мўл бўлади. Улар камиди 50 центнердан хирмон уюшни мўлжаллаб турибдилар.

СУРАТДА: И. Ёқубов (чапдан) ва Р. Абдиев ҳосил чўнтагидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган сурат.

бўлиб давлатга ғалла сотиш режасини бажаришга эришдилар.

Лекин, ўрим-йиғим қизгин давом этапти. Деҳқонларнинг мўлжал қилишларича, бу тадбир тез кунда нихосига етказилади. Ҳосилдорлик саксон гектарга ҳисоблаганда эллик центнердан кам бўлмайди. Бу энг юқори кўрсаткич, кўп йиллардан буён орзу қилиб юрилган

иш биланга...

тисослаштиришга киришилди.

Ҳаммаи бу хўжаликда бўлганимизда ўриб-янчи хирмон уйиб қўйилган ғалла ҳосилини қўрдик. Махсус техника бу ҳосилни ҳас-чўлдан тозалаб, саралаётган эди.

— Бу йил биз давлатга кам деганда 900 тонна ғалла сотишимиз керак, — дейди ширкат хўжалиги раиси Мухаммадхон Усмонов. — Шундан 250 тоннасини уруғлик ташкил этади. Биз «Қупава», шунингдек, «Улугбек» буғдойлари уруғини кўпроқ тайёрлашни мақсад

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

САҲОВАТЛИЛАР БОР БЎЛСИН!

ОҚҚҮРҒОН марказидаги «Лаззат» чойхонасига туман кўзи охишлар жамиятининг аъзолари бир пиёла чойга тақдир қилиндилар.

Меҳмонлар Алимкент қўрғонидagi «Безак» кичик корхонасининг (рахбари Файзулла Холтўраев) саҳовати тўғрисидаги ёзилган дастурхон атрофида мириқиб гурўнлашдилар.

Ғоятда мароқли ва хушнуд ўтган тадбирда туман маданият уйининг «Наврўзи



ажам» халқ дастаси аъзолари ижро этган шўх куй ва кўшиқлар янгради.

Мукаррама ТОҶИБОЕВА.

КАЙНОНАЖОН — АЙЛАНАЙ



АНГРЕН шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси ҳамда «Ангрени бозори» оиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Наврўз» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими ҳоми-лигида «Кайнона-2000» кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Бу тадбирда «Унартоғ», Охунбобоев номи, «Наврўз-2», «Гулбоғ» ва

«Облик» маҳаллаларидан таширф буюрган кайноналар ўзаро беллашдилар. Кайнона ва келинларнинг ўзаро муносабатлари, оиладаги мураккабликларни енгишда кайноналарнинг ўрни мавзусидаги саволларга далил жавоб бера олган «Гулбоғ» маҳаллалик Роҳат Куддусова биринчи, охунбобоевлик Мираз Абдуллаева иккинчи, обликлик кайнона Манзура Ўринбоева эса учинчи ўринга сазовор бўлишиб, кўрик-танлов ҳомиларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Умида ИСМОИЛОВА.

«СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА»

ЮҚОРИЧИРЧИҚ. Навоий маҳалласида жойлашган маданият уйида қишлоқ кутубхонаси қошида ташкил этилган «Нафосат» хотин-қизлар клуби аъзолари ҳамда туман «Қамолот» ёшлар жамғармаси ташаббуси билан «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унга туман турғуноҳонасининг тажрибали шифокори Турсуннопа Жумабекова тақдир этилди.

Қишлоқ мактаби ўқитув-



чилари, юқори синф ўқувчилари, уй бекалари, турли касб эгалари иштирокидаги мазкур мулоқотда оналарга кўрсатилган ғамхўрлик, болаларнинг соғлом ўсиши учун амалга оширилган ишлар хусусида фикр алмашилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ОШКОРА МУЛОҚОТ



ҚИБРАЙ. Туманда чиқадиغان «Давр овози» газетаси ҳузурида «Келинг, дилдан гаплашайлик» мавзусида туман меҳнаткашлари билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқотни туман

хотин-қизлар кўмитаси раиси Бибинон Шералиева, фуқаролик ҳолати далолномасини ёзиш бўлими мудири Дилбар Пулатова, 8-санатория бош шифокори Гулчехра Иброҳимова ва бошқалар олиб бордилар. Улар қишлоқ меҳнаткашларини қизиқтирган кўлаб саволларга жавоб бердилар.

Шу кунни ўндан ортиқ аёллар ўзларини ташвишга солиб келётган масалалар бўйича мулоҳаза, тақлиф-истакларини газета саҳифаларида босиб чиқаришни илтимос қилиб, муножаат этдилар.

Газета ҳузурида ҳар уч ойда турли мавзуларда шу сингари мулоқот ўтказиш аънаанага айланиб қолди.

Носир ИСАЕВ.

БУГУН КАТТА ШАНБАЛИК

Илгари хабар қилганимиздек, бугун «Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови» ширқи остида Бутунжаҳон атроф муҳит муҳофазаси кунига бағишланган Умумреспублика экологик шанбалиги ўтказилди.

Вилоятимиз аҳли мазкур шанбалик мобайнида ўз иш жойларида, ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларида, кўчаларда, ўзларига бириктирилган майдонларда, маҳалла ва бошқа участкаларда оммавий суратда иштирок этиши қўтилмоқда.

Ез фаслининг энг иссиқ кунлари бошланаётгани ва шу мавсумда юқумли касалликлар тарқалиши ҳавфи инобатга олинган ҳолда шанбаликда маиший чиқиндилар жамланган жойлар ва ахлатхоналар, водопровод ва канализация иншоотлари, санаот ва қишлоқ хўжалик объектилари, шифохоналар, болалар муассасалари, мактаблар, деҳқон бозорлари, озик-овқат маҳсулотлари оммавий савдо қилинадиган бошқа жойлар ҳудудларини санитария ва экология меъёrlарига мувофиқ ҳолга келтириш унинг иштирокчилари диққат марказида бўлади.

Шанбаликдан тушган маблаг минтақанинг экологик ҳолатини яхшилаш, табиати муҳофазаси қилиш фаолиятига оид ишларни қучатириш, шунингдек, экологик носоз туманларда яшовчи аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланади.

ДУШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телекомпаниялар лиққати

Профиларда муносабати

Бўдан, душанба 19 июнь

Кўрсатувлари соат 15.00 дан

бошлай қўйилади.

15.00 «Олтин тоғ».

Телевизион ўқини.

15.20 «Соғлом авлод - бу

бизнинг келажикимиз».

15.55 ТВ-анонс.

16.05 Лирик тароналар.

16.30 «Жасур илгитчилар».

Мультифильм.

16.40 ТВ-клип.

16.50 «Тарсилот».

17.10 Футбол бўйича Ўзбекистон

кубоги. «Самарқанд-Динамо» - «Навасар».

«Нефтичи» - «Дустлик».

Учинлар оралигида - 17.55

Янгилар.

18.50 «Бахтли воқеа».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00,

22.15 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус

тилида).

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Ўзлонлар ва банк хабар-

лари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Санъатим-саодатим».

Шероф.

21.20 «Манаъият»-дастур.

22.30 «Жиза ва Вустер».

Телесериал премьераси.

19.30 «Ахборот».

23.45 Футбол бўйича Европа

чемпионати. Гурӯх бахслари.

Танаффуслар пайтида. «Европа

чемпионати кундалиги».

1.30-1.35 Ватан тиссоллари.

18.55 «Ўзлонлар».

19.00 «Ахборот».

19.10 «Ахборот».

19.20 «Ахборот».

19.30 «Ахборот».

19.40 «Ахборот».

19.50 «Ахборот».

20.00 «Ахборот».

20.10 «Ахборот».

20.20 «Ахборот».

20.30 «Ахборот».

20.40 «Ахборот».

20.50 «Ахборот».

21.00 «Ахборот».

21.10 «Ахборот».

21.20 «Ахборот».

21.30 «Ахборот».

21.40 «Ахборот».

21.50 «Ахборот».

22.00 «Ахборот».

22.10 «Ахборот».

22.20 «Ахборот».

22.30 «Ахборот».

22.40 «Ахборот».

22.50 «Ахборот».

23.00 «Ахборот».

23.10 «Ахборот».

23.20 «Ахборот».

23.30 «Ахборот».

23.40 «Ахборот».

23.50 «Ахборот».

24.00 «Ахборот».

24.10 «Ахборот».

24.20 «Ахборот».

24.30 «Ахборот».

24.40 «Ахборот».

24.50 «Ахборот».

25.00 «Ахборот».

25.10 «Ахборот».

25.20 «Ахборот».

25.30 «Ахборот».

25.40 «Ахборот».

25.50 «Ахборот».

14.10 «Оламга сабаҳат».

Кинокурсув.

14.30 «Ўзлонлар танийси».

14.45 ТВ-клип.

15.00 «Шу Ватанга бордур

менинг керагим».

15.20 «Мовий тоғлар ёки

ҳақиқатдан узоқ экми». Бадий

фильм.

16.50 ТВ-анонс.

17.00 Ватанимга хизмат

дастур амалда.

18.10 Болалар учун. «Фламин-

го».

18.30 «Солиқ ва назорат».

18.50 Ёш ижрочилар концерти.

19.10 «Мулкдор».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00

«Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Шеър ва шуур».

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон Республикаси

Ички Ишлар вазирлиги ички

кушчилари намунали оркест-

рининг концерти.

21.35 «Иқтисодиёт чорраҳа-

ла».

22.00 «Келин-кув».

Телешоу.

23.10 «Ахборот».

23.45 Футбол бўйича Европа

чемпионати. Гурӯх бахслари.

Танаффуслар пайтида. «Европа

чемпионати кундалиги».

1.30-1.35 Ватан тиссоллари.

18.55 «Ўзлонлар».

19.00 «Ахборот».

19.10 «Ахборот».

19.20 «Ахборот».

19.30 «Ахборот».

19.40 «Ахборот».

19.50 «Ахборот».

20.00 «Ахборот».

20.10 «Ахборот».

20.20 «Ахборот».

20.30 «Ахборот».

20.40 «Ахборот».

20.50 «Ахборот».

21.00 «Ахборот».

21.10 «Ахборот».

21.20 «Ахборот».

21.30 «Ахборот».

21.40 «Ахборот».

21.50 «Ахборот».

22.00 «Ахборот».

22.10 «Ахборот».

22.20 «Ахборот».

22.30 «Ахборот».

22.40 «Ахборот».

22.50 «Ахборот».

23.00 «Ахборот».

23.10 «Ахборот».

23.20 «Ахборот».

23.30 «Ахборот».

23.40 «Ахборот».

23.50 «Ахборот».

24.00 «Ахборот».

24.10 «Ахборот».

24.20 «Ахборот».

24.30 «Ахборот».

24.40 «Ахборот».

24.50 «Ахборот».

25.00 «Ахборот».

25.10 «Ахборот».

25.20 «Ахборот».

25.30 «Ахборот».

25.40 «Ахборот».

25.50 «Ахборот».

26.00 «Ахборот».

26.10 «Ахборот».

26.20 «Ахборот».

26.30 «Ахборот».

26.40 «Ахборот».

26.50 «Ахборот».

18.20 «Тилга эътибор».

18.35 «Муслик бекати».

18.45 «Ўзлонлар танийси».

18.55 «Ўзлонлар танийси».

19.05 «Эл тинчилиги йўлида».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00,

21.50 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Табии-тарбия миллий

дастур амалда».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Ватан, мадҳинги

кулайман». Муслик дастур.

«Эрталаб ва Вустер».

Бадий фильм.

21.55 ТВ-клип.

22.00 Футбол бўйича Европа

кубоги. Югославия - Испан-

ия. Танаффуслар пайтида.

«Европа чемпионати

кундалиги».

23.45 «Ахборот».

20.25 «Жиза ва Вустер».

Телесериал премьераси. 20-

қисм.

1.10-1.15 Ватан тиссоллари.

18.55 «Ўзлонлар».

19.00 «Ахборот».

19.10 «Ахборот».

19.20 «Ахборот».

19.30 «Ахборот».

19.40 «Ахборот».

19.50 «Ахборот».

20.00 «Ахборот».

20.10 «Ахборот».

20.20 «Ахборот».

20.30 «Ахборот».

20.40 «Ахборот».

20.50 «Ахборот».

21.00 «Ахборот».

21.10 «Ахборот».

21.20 «Ахборот».

21.30 «Ахборот».

21.40 «Ахборот».

21.50 «Ахборот».

22.00 «Ахборот».

22.10 «Ахборот».

22.20 «Ахборот».

22.30 «Ахборот».

22.40 «Ахборот».

22.50 «Ахборот».

23.00 «Ахборот».

23.10 «Ахборот».

23.20 «Ахборот».

23.30 «Ахборот».

23.40 «Ахборот».

23.50 «Ахборот».

24.00 «Ахборот».

24.10 «Ахборот».

24.20 «Ахборот».

24.30 «Ахборот».

24.40 «Ахборот».

24.50 «Ахборот».

25.00 «Ахборот».

25.10 «Ахборот».

25.20 «Ахборот».

25.30 «Ахборот».

25.40 «Ахборот».

25.50 «Ахборот».

26.00 «Ахборот».

26.10 «Ахборот».

26.20 «Ахборот».

26.30 «Ахборот».

26.40 «Ахборот».

26.50 «Ахборот».

27.00 «Ахборот».

27.10 «Ахборот».

27.20 «Ахборот».

27.30 «Ахборот».

27.40 «Ахборот».

27.50 «Ахборот».

28.00 «Ахборот».

28.10 «Ахборот».

28.20 «Ахборот».

ТЕЛЕ

кўрсатувлар

дастурлари

8.35 Марказий газеталар

шарҳи.

8.50 «Симфоник куйлар

ошдида». Муслик дастур.

9.10 «Жиза ва Вустер».

Телесериал. 20-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00

Янгилар.

10.10 «Ўзлонлар».

10.20 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Шеър ва шуур».

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон Республикаси

Ички Ишлар вазирлиги ички

кушчилари намунали оркест-

рининг концерти.

21.35 «Иқтисодиёт чорраҳа-

ла».

22.00 «Келин-кув».

Телешоу.

23.10 «Ахборот».

23.45 Футбол бўйича Европа

чемпионати. Гурӯх бахслари.

Танаффуслар пайтида. «Европа

чемпионати кундалиги».

1.30-1.35 Ватан тиссоллари.

18.55 «Ўзлонлар».

19.00 «Ахборот»

ЎЗГАРТИЛГАН ҲАҚИҚАТ

Умр бўйи бировнинг дилини оғритмаган, жеркиб, кўрс гапириб ранжитмаган, очик чехали, оққунгил, қувнок, аскиячи ва кизикчи бир инсон вафот этибди. Уни сўнгги манзилга қўйиб, тиловат қилишгандан кейин одамлар етти қадам узоклашишлари билан Мункар Накир келибди ва савол-жавоб босилганиди:

— Раббинг ким?
— Раббим Аллоҳ.
— Қайси диндасан?
— Диним ислом.

— Пайғамбаринг ким?
— Сарвари олам Мухаммад алайҳиссалом.
Кизикчи бу савол-жавобларни ҳаётлик чоғида эшитгани учун тутилмай бийрон жавоб берибди. Бундан кейинги савол-жавоблар ҳақида тассаввурга эга бўлмагани учун, ўзи кутмаган савол берилишидан ва унга мос жавобга оқизилик қилишдан қўқиб, гап бошлабди:

— Бир чеким носдан ол!
— Мен нос чекмайман.
Ундан кейин бу ерда нос чекилмади.

— Менга қара, ҳозиргина биттанг келиб юқоридаги саволларни берган эди. Яна қайтадан савол-жавоб қилишининг нима кераги бор?

Мункар Накир бу гапдан хайрон бўлиб, Аллоҳнинг ҳузурига борибди ва ўртада бўлиб ўтган воқеани баён қилибди. Ҳамма нарсани кўргувчи ва билгучи Аллоҳ Мункар Накирга:

— Бу бандам ҳаётлик чоғида бир умр қизикчилик қилиб, аския айтиб инсонларга қулгу ва шод-хуррам-

лик улашиб юрган эди. Бировнинг ҳақиқатдан ҳазар қилиб яшади. Ҳаром лўқа истеймол қилмади, умрини ҳалоллик билан ўтказди, гуноҳ ишларга қўл урмади, ўз меҳнати билан тирикчилигини юргизди. Жуфти-халолига зулм ўтказмади, фарзандларига тўғри тарбия берди. Шунинг учун номаи аъмалига савоб ишларни ёзиб, уни бошқа бегона қилмай қўяқол, — деб бу бандасини ўзи ярақатган экан.

Убайдулла
АБДУЛЛАЕВ.

ЎҒРИНЧА ОВЧИ ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Вилоятимизда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш борасида кўп чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, табиатга ола кўз муносабатда бўлаётган кимсалар ҳамон учраб турибди.

...Сирдарёнинг сокин сатҳида моторли қайик сузиб бормоқда. Унда давлат биозоратининг Сирдарё хавзаси инспекцияси нозирлари атрофни тинчсиз кузатиб боришарди. Ҳаммаёқда сокинлик ва оқсойишалик ҳукмрон. Шу вақт дурбиндан атрофни кузатаётган нозир бегона, давлат белгиси ҳам йўқ қайиққа кўзи тушиб қолди. Нозирлар қайиғи сузиши кескин тезлатди. Сохта овчилар қанча чиранмасин, улардан қочиб қутулолмади.

сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Теким балиқ тутишга одатланган Аҳмад Қосимовнинг қилими ҳам ўзига қимматга тушди. У дарёнинг балиқ бойлигига катта зарар етказётган вақтда қўлга тушди. Бунинг учун ундан 2625 сўм жарима ундирилди ҳамда балиқ тутиш қуроли — капрон тўри мусодара қилинди.

Ушбу мақолада ўғринча ов билан боғлиқ бўлган фақатгина иккита мисолни келтирдик. Аслида эса, бундай ҳоллар тез-тез содир бўлиб турибди. Шунга айтиш қийинки, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида Сирдарё хавзаси нозирлари балиқ овлаш қоидаларини бузган 162та

ғаламисликни фош қилдилар. Уларга солинган жарима миқдори ва даъво ҳажми 305 минг 638 сўмни ташкил этди.

Ўғринча овчилик ҳақиқатан ҳам ваҳшийликдир. У билан шугулланаётганлар таъсис этилган овчилик қоидаларини назар-писанд қилмайдилар. Қўза кунда эмас, кунда синди деганларидек бундай шахсларнинг қирқдорлари ҳам вақти келиб фош бўлади. Улар жазодан қутилиб қолмайдилар. Албатта, эл-юрт олдида изза бўладилар.

Махсуд МАҲМУДОВ,
республика Давлат
биозороти жамоати
нозир.

Биласизми ГАРМДОР — ШОДЛИККА, ПИШЛОҚ — ҚУВОНЧ УЧУН

Биолог ва руҳшунс олимларнинг тадқиқотлариға қўра, оддий озиқ-овқатлар, сабаз-вотлар тановул қилинганда инсонга, айниқса, унинг руҳига шубҳасиз таъсир қилар экан. Чунончи, сизу бизга оддийгина қўрғинган банан тановул қилинганда, депрессияни бартараф қилар экан. Чунки унинг таркибиде ўзига хос алкохол — харман ва меҳкалин моддалари бор. Шунинг учун ҳам одам ўзини ёмон ҳис қилса, уни егач, вужудиде бардамлик сезар, рухан тетик бўлар экан.

Помидор тановул қилинганда, уятчанлик йўқола боришини олимлар амалда аниқлашган. Негаки, унинг таркибиде қўза ва бошқа органларга шифо бағишловчи моддалар билан бирга серотонинга ўхшаш руҳиятга таъсир қилувчи моддалар ҳам борлиги инсонда дадиллик пайдо қилишга сабабчи экан.

Петрушкани мисрликлар мардлик гиёҳи деб таърифлашган. Қадимги Румода жангчиларга уруш олдидадан петрушка беришган. Унда қатор витаминлар билан бирга инсонга жасурлик бағишловчи агеол воситаси мавжуд.

Пивё эфир мойлариға бой бўлиш билан бирга унда алик моддаси ҳам бўлиб, у танадаги оғриқни, иситмани туширувчи, бош оғригини қолдирувчи хусусиятлари мавжудлигини буюк ҳаким Абу Али ибн Сино аниқлаган.

Чили гармдориси энг аччиқ бўлиб, инсон сегизисини ниҳоятда кўтарди. У иштаҳани очиш билан бирга оғиз бўшлигини «ёндириб», аъзои баданини қиздириб юборади ва оғриқни қолдиради. Чунки унинг таркибиде посевдоболи бўлиб, миёда опият моддасини ишлаб чиқарар экан. Пишлоқ эса қайфиятни кўтарар экан. Чунки унинг таркибиде аминокислоталар мавжуд экан.

Ҳозир ёз фасли. Турли қўқат ва сабзавотларни тановул қилиш фақат фойдалидир.

Турсунхўжа
АЗЛАРХОНОВ
тайёрлади.

«Саҳнага ҳар сафар қадам қўйганимда юрагим орқиб кетади», деган эди раҳматли Сора Эшон-тураева. Ўзбек саҳнасининг маликасиға айланган Сора опанинг санъатга, саҳнага, театрга бўлган муҳаббатини кўрсатиб турипти бу самимий сўзлар. Ўзбекистон халқ артисти, Олий Мажлис депутати, хушовоз опера қўшиқчиси Муяссар Раззоқова ҳам саҳнани шундай севади.

У саҳнага ўзининг латофати, таровати, саодати билан чиқади. Унинг овози янграганда ҳар биримизнинг қалбимизга худди шалола қуюлгандек, димоғимизга муаттар нон иси урилгандек бўлади. Майсалар ҳам худди қўшиқ оҳангларидан тебраниб кетгандек бўлади. Кўз олдимизда эса алл тоғлару, ажойиб боғлар, ялловлару, ўтлоқлар, далалар намоен бўлади. Ҳа, у Ватан ҳақида — Ўзбекистон ҳақида шунчалар эхтирос билан ёниб куйлабди. Ўша юрагинизга-га шалоладек қуюлган, бутун вужудимизда уйғонган юрт муҳаббатидир.

Муяссар Алишер Навоий номли Катта театримиз саҳнасида гоҳ Ойхон, гоҳ Дилором, гоҳ Ойжамол, гоҳ Зайнаб бўлиб, дилларимизни ром этади. Кўзлари болаларникидек беғубор боқувчи Муяссархон билан сўхбатимиз ҳам чинкакам дилқашлик тусини олди.

— Муяссархон, ҳар бир касбининг катта йўли болалиқдан бошланади, дейишадими...

— Болалигим Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида ўтган. Биринчи марта мактабимизнинг мўъжазгина саҳнасида етти ёшимда қўшиқ айтганман. Кейинроқ санъат байрами фестивалида биринчи урини олдим. Мактабни тугатгач эса туман халқ таълими бўлимининг таъсисчи билан 1983 йилда Тошкент Давлат консерваториясига келдим. Омадим чопган экан, Розалинда Лаут синфига қабул қилиндим. Лаутни биласиз-а, бунақанги педагог қамдан ҳам учрайди.

— Сизни устозингиз Саодат Қобулова деб юрардим...

— Саодат опам ўзбек қўшиқчилигидан таълим берган. У киши «Дугоҳ», «Кўрмадим», «Муножот» каби мумтоз қўшиқларни ўргатганлар. Лаут хоним эса жаҳон операси, хусусан, Италия операси мактаби, овозини мослаштириш бобида устозлик қилган...

— Консерваторияни тугатмасданок театрга ишга келган экансизми...

— Шунчака бўлувди. Тўртинчи курсдалигимда Алишер Навоий номлидаги ўзбек давлат академик театрига қабул қилинганман.

— Эсимда. Эллиққалъа туманида Қорақалпоғистонда Тошкент шаҳри кўнлар доирасидаги учрашуларда сизни саҳнага қайта-қайта чиқаришган эди. Ўшанда билганман, халқ ўз кизини қанчалар эъзозлашини... Бугун эса опера қўшиқчиси сифатида дунёга танилдингиз... Ютуқларингизнинг асосиде нима ётади?

— Менинг назаримда икки нарсаси: биринчиси, она-Ватанимга фарзандлик бурчимни адо этиш ниятим бўлса, иккинчиси меҳнат... Опера артисти бўлиш ишидан катта меҳнат талаб қилади. Биласизми, бу борада ҳам омадим келди. Латвияда, Венгрияда бўлиб ўтган ёш операчиларнинг халқаро танловларида катта ютуқларга эришдим. Айни пайтда кўп нарсаларни ўргандим. Айниқса, Туркия, Германия, Австрияда бўлган халқаро танловлар мен учун ибратли мактаб бўлди.

— Ҳатто Америкада ҳам бўлдингиз...

— 1996 йилда Атлантадаги ёзги олимпиада уйинлари катнашчилари бўлган спортчиларга бир қанча концерт бергандик «Ялла» дастаси билан. Концертларимиз ниҳоятда мароқли ўтди. Мусика тили ҳаммамизни бир-биримизга яқин қилди. Олимпиада қилмоғида бўлган концертти ёдимдан чиқмайди. Эстрада охишлари бўлган америкаликлар бошқа юртлар вакиллари олдида минг андиша билан қандай қабул қилишаркин, деб бир неча қўшиқлар айтдим. Йўқ, ниҳоятда самимий қўтиб олишди. Худди Ўзбекистон шабадаси кўксимизга теккандек бўлди, дейишди. Қўшиқ — диллар таржимони эканига ўшанда яна бир қарра амин бўлдим.

— Энди бир савол: тагин кўнглингизга келмасин, опералар рус тилида ижро этиладими?

— Опера қайси тилда яратилган бўлса ўша тилда ижро этилади. Ўзбекча бўлса — ўзбекча, русча бўлса — русча, италиянча бўлса — италиянча...

— Демак, шу тилни ўрганишигиз талаб этилади?

— Албатта... Боя айтдим-ку, машаққатли меҳнат талаб қилади опера қўшиқчиси бўлиб деб. Бу ўша захматлардан биттаси.

— Саодат опа билан сўхбатлашганимда: «Дилором»дан энди кўнглим тўқ,

ҚўШИҚ БИЛАН ГЎЗАЛ БУ УМР



уни ажойиб бир кизим ижро этади. У саҳнамиз юлдузи бўлиб қолади», деган эди. Кейинроқ билсан ўша қиз — сиз экансиз... 35 йилдан кейин саҳнага қайтган «Дилором» операсида бош партияни жуда мароқ билан ижро этгансиз... Негадир ўзбек операларида камроқ кўри-насимиз?

— Нега энди? Операларимиз кўп, мен катнашмаган жойим бўлса, айтгин. Агар Европа билан солиштирсак, опера у ерларда жуда ривожланган. Бизда ҳам «Майсарани» ишчи, «Зайнаб ва Омон», «Ойжамол» операларини мисриқиб томоша қилишди. Назаримда, яна ўзбек операси юксалиш палласига кирди, деб ўйлайман. Айни пайтда жаҳонда ҳам ўзбек санъатига бўлган қизиқиш ниҳоятда кўра...

— Бунга кўриб, билиб турибмиз. Муножот Йўлчиева, Турғун Алиматовларнинг ижодий сафарлари, айрим ижодий гуруҳларнинг муваффақиятлари барчамизни хушнуд этди. Операда овоз муҳим. Сизнинг овозингизга машҳур италиян режиссёри Франческо Фурти қойил қолиб, ноёб Каларатуралли сопрано деб таъриф эди...

— Энди овозим ноёб экан деб, хотиржам бўлсам, балки бунчалар ютуқларга эришмасдим. Овоз ҳам худди тан-бурга ўхшайди. Уни доимо созлаб туриш керак... Мен ҳам ҳар кунни тўрт соат овозимни бир хил туриши учун «қичқираман», яъни машқ

қиламан. Бунинг қанчалар захматли эканлигини тасаввур қилаверинг.

— Ҳозир театр қайси саҳна асарлари устида ишламоқда? Сиз ҳам иш-тироқ этасизми?

— «Умар Хайём» операсида Феруза ролини ижро этдим. «Траватта» — Виолетта, «Риголетто» — Жилда, «Лючия де Ломмермур» — Люцияни ижро этдим. Ҳозир халқимизга севиқли бўлган «Тоҳир ва Зухра» ҳамда «Майсарани» операларини қайта тикламоқчи эдик. Лекин бу мақсада хали ўрнидан силжимади.

— Бирон сабаби борми?

— Сабаби оддий: кўпчилик ҳамкасбларимнинг фикрича, ўзбек тилидаги операларга томошабинлар кирмас эмиш. Бу сира бахона бўлмасайди. Ахир беш йилдан бери бирорта ўзбекча опера саҳна юзини кўргани йўқ. Томошабин кирмайди деб лоқайд бўлаверсак, миллий маданиятимизга, маънавиятимизга зарар етати.

— Энди яна бир савол: оилангиз...

— Оилам бор. Арслон Жаббаров, ўғилчамиз ҳам бор. Жавлонбек. Қаерда бўлса ҳам Жавлон уриб юрсин деб шундай ном қўйдик. Икки ўшга етиб қолди.

— Тўғриси: мен ўзингиз улгайган оила ҳақида сўровдим?..

— Ха-а... Оилада ўн киши эдик. Отам Қодирбеки Раззоқов, онам Қумушбиди...

— Санъатга дахлдормиди оилангиз?

— Йўқ. Отам пахтакор эди-

лар... Ўнта фарзанддан битта менга саҳна саодати насиб этди. Биримиз — муҳандис, биримиз — олим, биримиз — ўй бекаси. Ҳаммамиз ҳар ердимиз. Оллоҳ берган насибамизни териб, яшайлик...

— Отангизга сизни катта саҳнада кўриш насиб этганди?

— Албатта... Номимни шунчалар улугладинг, омадди бўл, деб дуо қилардилар.

— Қайси композиторлар билан ишлайсиз?

— Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаев, Муштафо Баёров, Анор Назаровлар бахонудил ҳамкорлик қилишад...

— Негадир шундоқ жарангдор овозингиз бўлатириб эстрада қўшиқларини ижро этмайсиз?

— Овозим бор экан деб, ҳар қўйга тушишни ёқтирмайман. Шон-шухрат, мол-дунё истеъдоднинг кушан... Мумтоз қўшиқларга келсак, насиб этган қўнларни доим халқимиз хизматида бўламан.

— Раҳмат, қўшиқ айтган етар муродга дейишар, муродингизга етинг, Муяссархон!

Қўшиқ билан гўзал бу умр.
Қўшиқ билан шод яшар инсон.

Муяссар Раззоқованинг ойнаи жаҳонда, саҳнадаги хонишларини тинглаб, бу гаплар қанчалар ҳақ эканлигини дилдан ҳис этаман.

Сўхбатдош Темир
УБАЙДУЛЛО.

Дилкаш сўхбатлар

СПОРТ ** СПОРТ ** СПОРТ ** СПОРТ



УМИДИМИЗ ИРОДАДАН

«Тошкент-опен» аёллар халқаро теннис мусобақалари ҳал қилувчи босқичга кирди

КўПГИНА спорт турларида бўлганидек, ушбу халқаро теннис турнирида ҳам шов-шувга сабаб бўлган кутилмаган натижалар қайд этилмоқда. Тажрибали мутахассисларни ҳам ҳайратга солган ана шундай кутилмаган воқеа исроиллик Анна Смашова ва италиялик Франческо Скиавони учрашувида содир бўлди. Ўтган йилги «Тошкент-опен» турнири ғолиби А. Смашова, ҳатто, теннис оламида номи маълум бўлмаган Ф. Скиавонига юташиб қўйди. WTA таснифда 365-ўринчи эгаллаб турган Тинг Ли (Хитой) 92-ракетка ҳисобланган россиялик Алина Жидковани икки сетда мағлуб этгани бундан ҳам ошиб

тушди, дейиш мумкин. Мамлакатимиз вакиллари бўлган ёш теннисчиларимиз Қомила Дадажова билан Лилия Виктеева дастлабки учрашувларда мағлубиятга учраб, мусобақадан чиқиб кетган бўлсалар, ҳамюртимиз Ирода Ўлганова муҳлисларда катта умид уйғотди. У халқаро мусобақаларда катта тажриба орттирган италиялик Андриана Серра-Занеттига қарши ҳам қучли, ҳам чиройли ўйин кўрсатиб, 6/2, 6/3 ҳисобида енгил ғалабага эришди. Дарвоқе, бу унинг шу турнирдаги иккинчи ғалабаси эди. Ирода жуфтлик мусобақасида ҳам маҳорат билан ўйнаб, рақибларини мағлуб этишга катта ҳисса қўшганди.

УЙҚУ ШИРИН, ЛЕКИН ФУТБОЛ...



Ҳа, футбол футбол-да. Ашаддий ишқибозлар ширин йўқудан кечиб, ярим тунда ҳам футбол томоша қилишарди. Ўзим шунга яраша бири-бирдан чиройли, мароқли ўйинлар бўлапти. Айниқса, Бельгия — Италия терма жамоаларининг ўзаро учрашувларини ойнаи жаҳонда кўрмаган кишининг ажойиб томошадан қуруқ қолгани аниқ.

Мана бунга катта футбол деса бўлади. Бизнингча, Европа чемпионати ҳеч қачон бу сафаридек тезкор, кутилмаган воқеаларга бой бўлмаган. Бир қарашда чемпионат эгалари — Бельгиялик футболчилар номдор рақибларига нисбатан қучлироқ кўриндилар. Ҳужумда ҳам ташаббус қуруқ улар қилиб бўлди. Лекин ғалаба италияликларда кетди.

Эътироф этиш керакки, 2:0 ҳисоби ишқибоз дақиқада қўлга киритилди. Словения футбол спектаклининг ҳолис натижаси бўлди. Италиянинг гоёғ уюшган жамоаси гарчи рақибларига нисбатан камроқ ҳужум қилган бўлсада, профессионалларга хос малакаси ўйин кўрсатди. Айниқса, ҳимоя чизигининг метиндек мустақамлигини жаҳондаги манман деган жамоа ҳавас қилса эришди. Югославия, Словения терма жамоалари беллашуви ҳам чемпионатнинг энг мароқли учрашувларидан бири бўлди. Ўтган кунги бўлиб ўтган Швеция — Туркия учрашувида 0:0 ҳисоби қайд этилди. Кеча эса Голландия — Дания ва Чехия — Франция терма жамоалари куч синашдилар.

ЮТУҚҚА ТЕНГ ДУРАНГ

рик ҳисобда бой бериши бироз ташвишлидир. Ақсинча, ун ўчинчи ўринда бораётган вакилимиз «Металлург»нинг ўчинчи погонани эгаллаб турган «Насаф»нинг майдонида 3:4 ҳисобида ютқизганини ҳар ҳолда ўйин тенг қурашлар остида ўтди, дея баҳолаш мумкин. Бизга қолса, «Семурғ» билан «Ким-ёғар» рақиб майдонида тўп суриб, тегишлилик «Қизилқум» ва «Зарафшон» билан дурани натижага (0:0) еришганини ғалабага тенг натижа деган бўлар эдик.

Ун сақизининг турнинг қолган учрашувларида қуйдаги натижалар қайд этилди: «Навбахор» — «Хоразм» — 3:1, «Темирйўлчи» — «Турон» — 1:1, «Бухоро» — «Трактор» — 4:3, «Нефтичи» — «Сўғдиёна» — 3:1, «Андижон» — «Гулистон» — 5:1, «Сурхон» — «Трактор» — 2:0.

Чемпионат биринчи даврасининг сўнги ўн тўққизинчи тур учрашувлари 22 июнь пайшанба кунни ўтказилди.

Самат йўлдош.



Об-хавони қузаатиш бош бошкармасидан олинган хабарга қўра 17-21 июнь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-хаво мўътадил келади. Ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат кечалари 14-19, кундуз кунлари 30-35 даража атрофида иссиқ бўлиши кутулади. Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат кўтарила бошлайди. Кечалари 17-22, кундуз кунлари эса 33-38 даража атрофида иссиқ бўлади.

Қилаётган ишнинг оқибатини, эртанги кунни ўйламай, бугунки кун билан яшаётганлар оз бўлса-да, тез-тез учраб туриши кишини ташвишлантиради. Биро, баъзи одамларнинг бефарқлиги, масъулиятсизлиги доимо хунук оқибатларга олиб келади.

Айтайлик, спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда автоулов бошқараётган ҳайдовчи билан ўзи ўтирган шохни қесайтган Афандининг ҳаракатлари ва унинг оқибатлари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ҳайдовчиларни ичиб, автоулов ҳайдашга ҳеч ким мажбур қилмаган. Агар ишлар айтадигани бўлсак, вилоят ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимлари томонидан ўтган даврда аниқланган, таъбир жоиз бўлса, ихтиёрий телбаликни танлаган 3388 нафар ҳайдовчининг таниш-билишлари, дўст-биродарлари оёқ-қўллари билан боғлаб, уларга зўрлаб ичирмаганлар, албатта.

Маст киши хоҳ у ҳайдовчи, хоҳ пиёда қисқаси, йўл ҳаракатининг қайси иштирок-

КАДАХДАГИ ОҒУ

чиси бўлмасин, у ҳамиша хавфлидир. Агар рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида вилоят Давлат автомобил назорати бошқармаси ходимлари томонидан маст ҳайдовчилар иштирокида 33та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди. Содир этилган ушбу кўнгилсизликлар натижасида 4 киши ҳалок бўлиб, 43 киши турли хил тан жароҳати олди.

Тўй-ҳашам, қўққ эифафат ёки бирор баҳона билан дастурхон атрофида ўтирган киши спиртли ичимлик ичишдан, ё меҳмонига ичирмадан аввал шу рақамларни бир зум бўлса-да, ёдга олиши зарур. Чунки, бу рақамлар ортида қанчадан-қанча ишлар-

ДАН бурчаги

ни бошқариш ҳукуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этилади.

Минг афсус, шундай кишилар борки, белгиланган қонун-қоидадан уларга ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Фақат нафсини қондир истаги устунлик қилади, ҳолос. Бир мисол, шу йилнинг 24 май кунни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида истикомат қилувчи, Тошкент Давлат циркида артист бўлиб ишловчи Ф. Гилазиев ўзининг «Нексия» автоуловини маст ҳолда бошқариб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этди. У бир инсоннинг умрига зомин бўлди. Шу кунни у велосипед ҳайдаб кетаётган Ўрта-чирчиқ туманида яшовчи М. Мамбетовни уриб юборди.

Бундай бахтсизлиқни ҳеч кимсанинг бошига тушуғули қилмасин. Пиёла ёки қадаҳ тўлдирилган спиртли ичимликни қўлга олишга шошилманг, ўйлаб кўринг!

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,
Вилоят ИИБ ДАНБ инспектори,
милиция капитани.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатхиддин
МУХИДДИНОВ